




YEVROPA ITTIFOQI



# ТАҲЛИЛИЙ ХИСОБОТ

**МАҲАЛЛИЙ  
БОШҚАРУВ СОҲАСИДА  
РАҲБАРЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА  
БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ  
БАҲОЛАШ ВА УСЛУБИЙ  
ТАЪМИНОТНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



ТОШКЕНТ | 2020

**Лойиҳа раҳбари:**

Аброр Ходжаев

**Тадқиқот координатори:**

Орзимурод Файбуллаев

**Эксперт:**

Ашурали Худайназаров

**Тақризчилар:**

**Дилфуза Раҳимова**, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, и.ф.д., проф.

**Жўрабек Нематов**, Тошкент давлат юридик университети доценти, ю.ф.д.

**Мурожаат учун:****БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси**

100029, Тошкент,  
Т. Шевченко кўчаси 4-й  
policybrief@undp.org  
www.uz.undp.org

Тел.: (998 71) 120 34 50

(998 71) 120 61 67

Факс: (998 71) 120 34 85

Ушбу таҳлилий ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастири ва Европа Иттилоқининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланган.

БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ушбу ҳисоботни тайёрлаш жараёнида сўровнома ва интервьюлар ўтказишида кўрсатган ёрдамлари учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигига, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ҳамда ушбу ҳудудлардаги Давлат хизматлари агентлиги бошқармалари ва марказларига миннатдорлик билдиради.

Ушбу ҳисоботда келтирилган фикр ва холосалар фақат муаллифларнинг фикрларини акс эттиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Европа Иттилоқи Делегацияси ва БМТТДнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	5
<b>1-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ СОҲАСИДА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР ВА ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ Концептуал жиҳатлари ва хориж тажрибаси.....</b>	<b>7</b>
1.1. Маҳаллий бошқарув тизимида менежмент фани: назарий-концептуал жиҳатлар .....	7
1.2. Маҳаллий бошқарув соҳасида услубий кўрсатмалар ва қўлланмаларни ишлиб чиқиш: хорижий тажриба шарҳи .....	11
<b>2-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМЛАРИНИ ОШИРИШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ БАҲОЛАШ .....</b>	<b>14</b>
2.1. Тадқиқот методологияси шарҳи: танланма, сўровнома, маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш тафсилоти.....	14
2.2. Маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг билим ва кўникмаларини оширишга бўлган эҳтиёжни баҳолаш натижалари .....	15
<b>3-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ БЎЙИЧА БИЛИМ ВА КЎНИКМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҮҚУВ РЕЖАСИ ВА ҮҚУВ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....</b>	<b>24</b>
3.1. Маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг замонавий маҳаллий бошқарув бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантиришнинг қисқа муддатли үқув режасини такомиллаштириш .....	24
3.2. Маҳаллий бошқарув органлари билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган үқув-услубий материалларни тайёрлаш бўйича кўрсатмалар .....	26
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>30</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>32</b>
1-илова. Сўровнома .....	34
2-илова. Намунавий танланма ҳажми (вилоят ва туман кесимида) .....	38
3-илова. Маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналининг бошқарув соҳасида малакаси оширилганлиги тўғрисидаги маълумот .....	39
4-илова. Үқув фанларига бўлган эҳтиёж даражаларининг жуфтли корреляциялари.....	40
5-илова. "Замонавий маҳаллий бошқарув" мутахассислиги бўйича қисқа муддатли тренинг тингловчиларининг намунавий контингенти (тавсия сифатида) .....	41
6-илова. Замонавий менежмент бўйича услубий кўрсатмалар ва амалий қўлланмалар ишилаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар режаси.....	42
7-илова. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, и.ф.д., проф. Дилфуз Раҳимова тақризи .....	44
8-илова. Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлари доктори Жўрабек Нематов тақризи .....	45

# АББРЕВИАТУРАЛАР РЎЙХАТИ

<b>BAKÖV</b>	Bundeskademie für öffentliche Verwaltung
<b>ENA</b>	Ecole Nationale d'Administration
<b>HBÖV</b>	Die Hochschule des Bundes für öffentliche Verwaltung
<b>KPI</b>	Key Performance Indicators
<b>OECD</b>	Organization for Economic Co-operation and Development
<b>АКТ</b>	Ахборот-коммуникация технологиялари
<b>АҚШ</b>	Америка Кўшма Штатлари
<b>БМТ</b>	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
<b>БМТТД</b>	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури
<b>ДБА</b>	Давлат бошқаруви академияси
<b>ЕИ</b>	Европа Иттифоқи
<b>ЖТВБ</b>	Жамоат ташкилотининг вилоят бўлинмаси
<b>ЖТТШБ</b>	Жамоат ташкилотининг туман ёки шаҳар бўлинмаси
<b>ИҲРТ</b>	Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти
<b>МБП</b>	Маъмурий-бошқарув персонали
<b>МДҲ</b>	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
<b>МФЙ</b>	Маҳалла фуқаролар йиғини
<b>ННТ</b>	Нодавлат нотижорат ташкилот
<b>ОАВ</b>	Оммавий ахборот воситаси
<b>ОТМ</b>	Олий таълим муассасаси
<b>РАНХиГС</b>	Российская Академия народного хозяйства государственной службы при Президенте Российской Федерации
<b>ХДК</b>	Халқ депутатлари кенгаши

# КИРИШ

**Муаммонинг долзарблиги.** 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қиласди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ва уни амалга оширишнинг “Йўл харитаси” тасдиқланди. Ушбу концепциянинг мақсади инновацион ривожланишнинг глобал тенденцияларига жавоб берадиган, режалаштирилган ислоҳотларни тўлиқ амалга оширишга ва ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилишга қодир давлат бошқаруви тизимини яратишидир.

Ушбу йўналишда бир қатор вазирликлар ва идоралар қайта ташкил этилди, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда маъмурий тартибларни ахборотлаштириш ва соддлаштириш чоралари кўрилди. Шу билан бирга, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа давлат ташкилотларида ишлашнинг эскирган бюрократик усуслари сақланиб қолмоқда.

Сўнги пайтларда, турли оммавий ахборот воситаларида ва Интернетда айрим маҳаллий ҳокимлик раҳбарлари (ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари) ўзларига бўйсунувчи давлат хизматчиларининг ишларини ташкил қилишда самарасиз қарорлар қабул қилишлари тўғрисида хабарлар ёритилиб келинмоқда. Маҳаллий маъмурчиликдаги бу каби салбий ҳолатлар ўз ўрнида жойларда давлат хизматларини кўрсатишда маъмурий процедуralар сифатига, инфратузилмани ривожлантириш ва муҳим ижтимоий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга салбий таъсир қилиши муқаррар. Маҳаллий бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишининг замонавий менежмент услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси пастлиги, кўплаб раҳбарларда лозим даражада замонавий менежмент билим ва кўникмалари мавжуд эмаслиги, қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш имконини бермайди. Бу эса давлат бошқаруvida ортиқча бюрократлаштириш ва юқори бюджет харажатларига сабаб бўлмоқда.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу таҳлилий ҳисботнинг мақсади маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг замонавий маҳаллий бошқарув бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини баҳолаш ва шундан келиб чиққан ҳолда замонавий маҳаллий бошқарув бўйича қисқа муддатли тренинг ўқув режаси ва ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

## Ушбу мақсадга эришиш учун қуийдаги вазифаларни амалга ошириш қўзда тутилган:

- маҳаллий бошқарув соҳасида услубий кўрсатмалар ва қўлланмаларни ишлаб чиқишида концептуал ёндашувларни ва хорижий тажрибани ўрганиш (ЕИ ва МДҲ айрим мамлакатлари тажрибаси мисолида);
- танланмали тадқиқот сўровини ўтказиш (танланма объекти, бирликлари, таркиби ва ҳажмини аниқлаш, анкета/сўровномани ишлаб чиқиш, маълумотларни йиғиш ва маълумот базасига киритиш);
- маҳаллий бошқарув соҳасида раҳбарларнинг билим ва кўникмаларини оширишга бўлган эҳтиёжини баҳолаш;
- маҳаллий бошқарув соҳасида менежмент самарадорлигини малака ошириш ва қайта ўқитиш орқали ошириш бўйича тегишли амалий тавсияларни ишлаб чиқиш (хусусан, услубий кўрсатмалар ва қўлланмаларни ҳамда раҳбарлар билим ва кўникмаларини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар режаси, ўқув режалар ва ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш бўйича тавсияларни бериш).

**Тадқиқот усуллари.** Ушбу тадқиқотда қиёсий таҳлил, танланма статистик кузатув, дескриптив ва корреляцион-регрессион статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Кутилаётган натижалар.** Мазкур таҳлилий ҳисботда келтирилган амалий тавсиялардан маҳаллий бошқарув тизимидағи раҳбарларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқиладиган режаларда, ўқув қўлланмаларда ва турли йўл хариталарида фойдаланилиши мумкин.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастури ва Евropa Иттифоқининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси 4-йўналиши доирасида амалга оширилмоқда.

Мазкур тадқиқот иши тавсиялари асосида кейинги босқичда маҳаллий бошқарув органлари учун зарур ўқув-услубий қўлланмалар яратилиши ва лойиҳанинг ҳамкор туманлари – Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Сирдарё вилоятининг Ховос ва Жиззах вилоятининг Бахмал туманларида ҳамда Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри ҳокимликларида синовдан ўтказилиши назарда тутилмоқда.

## 1-БОБ.

# МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ СОҲАСИДА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР ВА ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

## 1.1. МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА МЕНЕЖМЕНТ ФАНИ: НАЗАРИЙ-КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАР

**Замонавий давлат маъмурчилиги соҳасидаги илмий тадқиқотларни умумлаштирадиган бўлсак, уларни икки гуруҳга ажратсак бўлади:**

- 1) “**New Public Management** (Янги давлат менежменти/бошқаруви)” таълимоти доирасидаги тадқиқотлар;
- 2) “**Good Governance** (Сифатли бошқарув/маъмурчилик)” таълимоти доирасидаги тадқиқотлар.

Ҳозирги пайтда, кўплаб ривожланган мамлакатларда бир пайтда “Good Governance” ва “New Public Management” тамойиллари синтези асосида давлат бошқаруви амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

**“Янги давлат менежменти (New Public Management)” таълимоти: қисқача шарҳ.** 1992 йилда Дэвид Осборн ва Тед Геблер<sup>2</sup> томонидан яратилган ва “Бошқарувни қайта ташкил этиш: тадбиркорлик руҳи давлат секторини қандай қилиб ўзгартиради?” деб номланган янги асар илм аҳлига намоён этилди. Бу китобда замонавий давлат бошқарувини ташкил этиш бўйича илмий-асосланган назарий ёндашувлар, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида олинган хулоса ҳамда таклифлар келтирилган. Кейинчалик, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИҲРТ) турли мамлакатларда амалга оширилган давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотларни таҳлил қилиб, “янги давлат бошқаруви” услубларини ўзига хос ҳолда умумлаштириди<sup>3</sup>. Бундан

<sup>1</sup> Goldfinch, S., & Wallis, J. (2010). Two Myths of Convergence in Public Management Reform. *Public Administration*, 88(4), 1099-1115.

<sup>2</sup> Osborne, D. E., Gaebler, T. Reinventing government: how the entrepreneurial spirit is transforming the public sector. MA: Addison-Wesley, 1992.

<sup>3</sup> OECD. Governance in transition: public management reforms in OECD countries. Paris: OECD, 1995.

сўнг, олимлар “янги давлат бошқаруви” назариясини янада ривожлантириш ишларини бошлаб юборишид<sup>4</sup>.

“New Public Management (Янги давлат менежменти)” таълимотининг асосий таъмиллари қўйидагилардан иборат:

- давлат бошқаруви органи фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш;
- давлат хизматларини кўрсатишда давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар орасидаги рақобатни таъминлаш;
- самарасиз ишилаётган давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш;
- марказий давлат бошқарувини субсидиарлик тамоили асосида вертикал ва горизонтал йўналишларда номарказлаштириш (децентрализация);
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни давлат ва хусусий сектор шерикчилиги асосида амалга ошириш;
- давлат сиёсати ва давлат маъмурчилигини фарқлаш;
- давлат маъмурчилигида замонавий персонал бошқаруви, молия бошқаруви, ҳудудий маркетинг, режалаштириш ва прогнозлаштириш, лойиҳалар менежменти ҳамда оптимал қарор қабул қилиш усуllibарини қўллаш;
- давлат хизматларини кўрсатишда “аутсорсинг” ва “контрактинг аут” усуllibаридан фойдаланиш;
- давлат органлари ҳамда давлат ва хусусий сектор орасидаги ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида давлат бошқарувини ахборотлаштириш;
- бюджет дефицитини ўйқотиш/камайтириш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда, “Янги давлат бошқаруви” тамоиллари АҚШ, Англия ва Австралияда кенг қўлланилади. Натижада, айнан шу мамлакатларда давлат сектори ниҳоятда тижкоратлаштирилиб, бозор иқтисодиёти янада ривожлантирилди ҳамда давлатнинг ундағи иштироки кескин камайтирилди.

Маълумки, ҳар қандай назария ўз камчиликларига эга ва „New Public Management“ таълимоти ҳам бундан холи эмас. П. Данлеви ва К. Худ „New Public Management“ таълимоти камчиликларини умумлаштириши<sup>5</sup>. Танқидчиларни шартли равишда иккита қисмга - “кучли давлат” ва “кучли жамият” тарафдорларига ажратиш мумкин.

“Кучли давлат” тарафдорлари „New Public Management“ таълимотининг қўйидаги камчиликларини келтиришади: „New Public Management“ таълимотидан келиб чиқадиган ва давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар бозор муносабатлари юқори даражада шаклланганлигини назарда тутади, яъни ушбу таълимотда бозор муносабатлари паст даражада ривожланган ҳолатлар таҳлил қилинмайди; бозор муносабатларига таяниш баъзи соҳаларда, масалан, мудофаа соҳасида, бошқарув самарадорлигини пасайтириб юбориши мумкин, чунки

<sup>4</sup>Dunsire, A. (1995). Administrative theory in the 1980s: a viewpoint. *Public Administration*, 73, 17–40.

<sup>5</sup>Dunleavy, P, Hood, C. (1994). From Old Public Administration to New Public Management. *Public Money & Management*, 14(3), 9-16.

олимларнинг тадқиқотларига кўра ҳарбий соҳада айнан бошқарувнинг бюрократик модели самаралироқ деб топилган.

“Кучли жамият” тарафдорлари „New Public Management“ таълимотини қуидагича танқид остига олишади: уларнинг фикрича „New Public Management“ таълимотида коррупцияни олдини олишга етарли эътибор берилмаган, яъни кучли жамоатчилик (ёки фуқаролик) назоратини жорий этиш механизмларига оид масалалар чуқур ўрганилмаган; „New Public Management“ тамойилларининг жорий этилиши давлат секторининг тижоратлашиб кетишига олиб келади ва бунинг натижасида, ҳаттоқи, но-давлат нотижорат ташкилотлари ҳам рентабеликка эришишни биринчи ўринга қўйиб, ижтимоий тадбиркорлик билан шуғулланишга мажбур бўлишади, чунки уларни давлат томондан қўллаб-қувватлаш механизми заифлашади<sup>6</sup>.

### **Давлат маъмурчилигининг “Good Governance” назарияси: қисқача шарҳ.**

Жаҳон Банки 1996 йилдан бошлаб, дунё бўйлаб қарийб 200 мамлакат бўйича давлат бошқаруви сифатини мониторинг қила бошлади. Унинг услубиятига кўра, давлат бошқаруви сифатининг глобал кўрсаткичлари (Worldwide Governance Indicators) ичига қуидагилар киради: давлат бошқаруви жараёнида муҳим қарорларни қабул қилишда фуқароларнинг иштироки (яъни фуқароларнинг овоз бериш имкониятлари) ва давлат бошқаруви органларининг ҳисобдорлиги, сиёсий барқарорлик, давлат бошқаруви самарадорлиги, давлат сиёсати сифати, қонун устуворлиги, коррупцияга қарши курашиш<sup>7</sup>.

1997 йилда БМТ томонидан ишлаб чиқилган Тараққиёт дастурлари ҳужжатларида илк бор “Good Governance” концепцияси яхлит концепция сифатида ўз аксини топди<sup>8</sup>. “Good Governance” таълимоти Жаҳон Банки<sup>9</sup>, Халқаро Валюта Фонди<sup>10</sup>, Европа Иттифоқи<sup>11</sup> томонидан янада ривожлантирилди.

*“Good Governance” концепциясига кўра, давлат бошқарувининг энг олий мақсади давлат ва жамият орасида юқори даражадаги ишончга эришишидир. Лекин бунга эришиш учун давлат органлари алоҳида эмас, балки фуқаролар, ННТлар ва бизнес субъектлари билан шерикчиликда давлат хизматларини кўрсатиши лозим, яъни давлат бошқарувини давлат ва жамият вакиллари биргаликда амалга оширишилари лозим. Бу қайсиидир маънода корпоратив давлат бошқаруви демакдир.*

“Good governance” концепциясига кўра, корпоратив давлат бошқарувини жорий этиш мақсадида қуидаги шартлар бажарилиши лозим: муаммоларни ечишда стейкхолдерларнинг (яъни манфаатдор томонларнинг) шерикчилиги; давлат бошқарувида фуқароларнинг иштироки; дискриминация ва адолатсизликка йўл қўймаслик; давлат бошқарувида қонун ва этиканинг устуворлиги; давлат бошқаруви органларининг стейкхолдерлар олдида ҳисобдорлиги; барқарор ривожланиш.

<sup>6</sup> Eikenberry, A. M., Drapal Kluver, J. (2004). The Marketization of the Nonprofit Sector: Civil Society at Risk? *Public Administration Review*, 64(2), 132-140.

<sup>7</sup> <http://info.worldbank.org/governance/wgi/index.asp>.

<sup>8</sup> Governance for Sustainable Human Development. New York : UNDP, 1997.

<sup>9</sup> Kaufmann, Daniel, Kraay, Aart and Mastruzzi, Massimo, The Worldwide Governance Indicators: Methodology and Analytical Issues (September 2010). World Bank Policy Research Working Paper No. 5430.

<sup>10</sup>The IMF’s Approach to Promoting Good Governance and Combating Corruption – A Guide. International Monetary Fund. 2005.

<sup>11</sup> European Governance. A White Paper. Commission of the European Communities, 2001.

"Good Governance" илмий мактаби ўзининг қуийдаги мулоҳазалари билан машҳурдир: иқтисодий ўсишни эмас, балки барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш лозим; нафақат турмуш даражасини, турмуш сифатини ҳам ошириш керак.

### **Қуийда "Good Governance" моделининг асосий хусусиятларини келтирамиз.**

**1. Давлат маъмурчилиги тамойиллари:** қарорлар қабул қилишда очиқлик ва шаффофлик; марказий ва маҳаллий ҳукуматнинг фуқаролар олдида ҳисобдорлиги; самарадорлик; қонун устуворлиги; ижтимоий неъматларни яратишида давлат, бизнес субъектлари, ННТлар ва фуқароларнинг шерикчилиги.

**2. Давлат ва жамият маъмурчилигини ташкил этиш шакли.** Умумий ва турдош мақсадларга эга бўлган давлат органлари, фуқаролар, бизнес-тузилмалар, ННТлар ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш мақсадида тегишли тармоқларни тузишади ва уларнинг менежментини корпоратив бошқарув усуллари ёрдамида ташкиллаштиришади<sup>12</sup>. Бу борада, "электрон ҳукумат" механизми давлат бошқарувининг шаффофлиги, очиқлиги ва жамиятнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлайди. "Good Governance" моделида фуқаролар, бизнес-тузилмалар, ННТлар ва давлат органлари шерикчилик асосида давлат бошқарувини амалга оширишади. Керак бўлса, шерикчилик давлат иштирокисиз амалга оширилади<sup>13</sup>.

**Инсон ресурсларини бошқаришнинг қулай усули.** "Good Governance" тамойиллари асосидаги бошқарув тармоқли ташкилий тузилмалар, хусусан, "умумий манфатларни ҳимоя қилиш бўйича коалицион тузилмалар (advocacy coalition framework)"<sup>14</sup> шаклида намоён бўлади ва жамоатчилик асосида амалга оширилади. Бошқача айтганда, давлат хизматчилари, фуқаро ва нодавлат ташкилотлар тармоққа оид умумий қадриятларга таянган ҳолда иш олиб боришади. Бундай ёндашув асосидаги бошқарув адабиётларда "Public Value Management"<sup>15</sup> деган номни олган.

Давлат бошқарувининг "Good Governance" моделида давлат сиёсати мазмуни, йўналишлари, мақсадлари ва вазифаларини бевосита фуқаролик жамияти белгилайди ва бу борадаги давлатнинг роли давлат сиёсатининг халқ ичидаги муҳокамасини ташкиллаштириб беришдан иборат. Демак, бундай моделда давлат бошқаруви сифати, биринчи навбатда, фуқаролик жамияти вакиллари ва фуқароларнинг тафаккури ҳамда сиёсий фаоллиги даражасидан боғлиқ<sup>16</sup>.

Р. ва Дж. Денхардлар "New Public Service (Янги давлат хизмати)" илмий йўналишига асос солишган<sup>17</sup>. Ушбу илмий йўналиш "Good Governance" таълимотини янада тўлдиради ва уни мукаммалаштиради. "New Public Service (Янги давлат хизмати)" тамойиллари қуийдагича:

<sup>12</sup> Borzel, T. (1998). Organizing Babylon - On the different conceptions of policy networks. *Public Administration*, 76(2), 253-273; O'Toole, L. J. (1997). Treating Networks Seriously: Practical and Research-Based Agendas in Public Administration. *Public Administration Review*, (1), 45.

<sup>13</sup> Lowndes, V., & Skelcher, C. (1998). The dynamics of multi-organizational partnerships: An analysis of changing modes of governance. *Public Administration*, 76(2), 313-333.

<sup>14</sup> Sabatier P.A. (1998): The advocacy coalition framework: revisions and relevance for Europe, *Journal of European Public Policy*, 5:1, 98-130

<sup>15</sup> Stoker, G. (2006). Public value management - A new narrative for networked governance?. *American Review of Public Administration*, 36(1), 41-57.

<sup>16</sup> Худайназаров, А. (2017). Замонавий давлат бошқаруви: назария ва амалиёт шарҳи // Жамият ва бошқарув, №2, 58-65 б. - Тошкент: Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

<sup>17</sup> Denhardt, R.B., Denhardt, J. (2000). The New Public Service: Serving Rather Than Steering. *Public Administration Review*, (6), 549.

1. Идорани бошқариш эмас, балки жамиятга хизмат қилиши;
2. Халқ манфаатлари учун хизмат қилишини давлат хизмати мақсади сифатида кўриш;
3. Стратегик услубда фикрлаш, демократик услубда бошқариш (фуқаролик жамияти иштирокини таъминлаган ҳолда дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиши);
4. Аҳолига (кабинетда ўтириб) хизмат кўрсатиш эмас, балки фуқаролар билан мулоқот орқали аҳолига хизмат қилиши;
5. Очиқ ва шаффоффлик билан жамиятга хизмат қилиши;
6. Унумдорликни эмас, балки инсонни биринчи ўринга қўйиши;
7. Жамият манфаатларини давлат органлари манфаатларидан устун қўйиши (яъни давлат органи фаолияти самарадорлигини таъминлаш жамият манфаатларига путур этиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим).

## 1.2. МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ СОҲАСИДА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР ВА ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ШАРҲИ

Давлат хизматчиларини тайёрлашда ҳозирги кунда турли моделлар мавжудлиги ҳақида алоҳида гапириб ўтиш лозим. Буларга “юридик таълимотга асосланган модел”, “иқтисодий самарадорлик ва бизнес-менежментга асосланган модел” ва бошқа моделларни мисол келтириш мумкин.

**“Юридик таълимотга асосланган модел”** Вебернинг бюрократик бошқарув таълимотига таянган бўлиб, асосан, XX асрнинг биринчи ярмида Германияда кўпроқ қўлланилиб келган. Бундай модел доирасида давлат бошқаруви тизимидағи менежмент кўпроқ қонун ва қоидаларга мутлақ риоя қилиш, ваколатлар доирасидан чиқмай қарорларни қабул қилишга асосланган бўлади. Кўп ҳолатларда, бундай моделга асосланиб, маъмурчиликни амалга оширишда бюрократия биринчи ўринга чиқади, инновациян ёндашувлардан эса кам фойдаланиш ҳолларини келтириб чиқаради. Кейинроқ бу модел ўз ичига АҚТ дан кенг фойдаланиш, ташаббусни ва жамоатчилик фикрини инобатга олиш каби элементларни қамраб олди, аммо, барибир, унинг асосий тамойили – қоидаларга риоя қилиш бўлиб қолаверди.

**“Иқтисодий самарадорлик ва бизнес-менежментга асосланган модел”** кўпроқ англо-саксон мамлакатлarda қўлланилади, масалан, АҚШ ва Буюк Британияда. Давлат маъмури, керак бўлса, ўз амалиётида хусусий секторда қўлланиладиган замонавий бизнес усусларидан ҳам фойдаланиши мумкин ва қонунчиликда бунга асос ҳам бор: масалан, аутсорсинг, краудсорсинг, давлат-хусусий шерикчилик каби шаклларга асосланган усувлар ва натижага қаратилган менежмент усувлари. Ўзбекистонда илк бор бундай усувларни давлат бошқаруви тизимидағи менежментга жорий этиш масалалири 2016 йилдан бошлаб муҳокама қилина бошланди<sup>18</sup>.

<sup>18</sup> Худайназаров, А. (2016). Давлат бошқарувининг замонавий назарияси ва амалиёти шарҳи. 7-12 б. // «Давлат бошқаруви тизимида замонавий менежмент усувларини жорий этиш масалалари» мавзуудаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси. – 260 б.

Агар услугий кўрсатмалар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш “юридик таълимотга асосланган модел”га асосланса, у ҳолда давлат бошқаруви ёки маъмурчилиги соҳасида кадрларни тайёрлаш ўқув режалари, дастурлари ва қўлланмалари кўпроқ давлат бошқаруви ва маъмурчилигининг юридик асосларига таянади. Германияда айнан шундай ёндашув қўлланилади: давлат маъмурчилиги соҳасидаги олий таълим юртлари бу борада етакчи роль ўйнайди ва ўқув-услубий таъминотни амалга оширади. Германия ва Францияда давлат бошқаруви соҳасидаги кадрлар марказлашган ҳолда тайёрланади. Францияда – Маъмурчиликнинг миллый мактаби (*École nationale d'Administration, ENA*)<sup>19</sup> томонидан, Германияда эса – Давлат бошқарувининг федерал олий мактаби (*Hochschule des Bundes für öffentliche Verwaltung, HBÖV*)<sup>20</sup> ҳамда Давлат бошқаруви федерал академияси (*Bundeskademie für öffentliche Verwaltung, BAKÖV*)<sup>21</sup> ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари томонидан тайёрланади. Абитуриент давлат хизматчиси бўлиши шарт ва фақатгина шу олийгоҳларни битирсагина давлат бошқаруви органларида карьера қилиши мумкин. Табиийки, ушбу олийгоҳларнинг профессорлари томонидан муниципал бошқарув бўйича услугий кўрсатмалар ва қўлланмалар ишлаб чиқилади ва мазкур ўқув-услубий материаллар жойларга етказилиб берилади.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг, давлат бошқаруви соҳаси учун кадрларни тайёрлаш 2016 йилгача айнан “юридик таълимотга асосланган модел” асосида амалга оширилди. Эътибор берадиган бўлсак, “Давлат бошқаруви” ва “Маҳаллий бошқарув” дарсликлари 2016 йилгача кўпроқ юридик фанларга асосланган ҳолда тайёрланган ва ушбу дарсликларнинг муаллифлари аксарият ҳолларда айнан юристлар эди. Ҳаттоқи, кадрлар тайёрлашнинг йўналишлар классификаторида «Давлат бошқаруви» фани доимо юридик фанлар қаторидан расман жой олиб келганинг алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Худди шундай ҳолат илмий йўналишлар классификаторида ҳам мавжуд.

Аксинча, агар услугий кўрсатмалар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш “Иқтисодий самарадорлик ва бизнес-менежментга асосланган модел” га асосланса, у ҳолда давлат бошқаруви ёки маъмурчилиги соҳасида кадрларни тайёрлаш ўқув режалари, дастурлари ва қўлланмалари кўпроқ иқтисодий назария ва бизнес-менежмент асосларига таянади. Агар эътибор берадиган бўлсак, АҚШ ва Буюк Британияда давлат бошқаруви кадрлари номарказлашган ҳолда тайёрланади – масалан, Гарвард университетининг Гарвард Кеннеди бошқарув мактабида (*Harvard Kennedy School*)<sup>22</sup> давлат бошқаруви (маъмурчилиги) соҳаси учун магистрлар номарказлашган ҳолда тайёрланади. Ушбу мактаб профессорлари томонидан ишлаб чиқилган ўқув материаллар ўзида кўпроқ иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган бошқарув қарорларини қабул қилиш усуларини қамраб олади. Табиийки, ушбу олийгоҳларнинг профессорлари томонидан муниципал бошқарув бўйича ишлаб чиқилган услугий кўрсатмалар ва қўлланмалар давлат бошқаруви соҳаси учун кадрларни тайёрлашда кенг қўлланилади ва муниципалитетлар томонидан амалиётда фойдаланиш учун харид қилинади.

Демак, юқорида келтирганимиздек, хорижий мамлакатларда маҳаллий бошқарув соҳаси учун кадрларни тайёрлайдиган ОТМлар профессорлари томонидан кўп ҳолларда “Муниципал бошқарув” деб ном олган дарслик ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилади ва бу ўқув материаллар нафақат олийгоҳларда, балки муниципалитетларда ҳам раҳбарлар томонидан фойдаланилади.

<sup>19</sup> <https://www.ena.fr/>

<sup>20</sup> [https://www.hsbund.de/DE/00\\_Home/home-node.html](https://www.hsbund.de/DE/00_Home/home-node.html)

<sup>21</sup> [https://www.bakoev.bund.de/DE/00\\_Home/home\\_node.html](https://www.bakoev.bund.de/DE/00_Home/home_node.html)

<sup>22</sup> <https://www.hks.harvard.edu/>

Россия Федерацияси тажрибасига келадиган бўлсак, ҳозирги вақтда ушбу мамлакатда давлат ва муниципал хизмати учун профессионал кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими мавжуд. Бундай мутахассисларни тайёрлашни таъминлайдиган энг муҳим ўқув муассасаси Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ ҳўжалиги академияси (Российская Академия народного хозяйства государственной службы при Президенте Российской Федерации - РАНХиГС)<sup>23</sup> бўлиб, унинг кўплаб филиаллари Россия Федерациясининг деярли барча ҳудудларида жойлашган ва ушбу филиалларда академия томонидан ишлаб чиқилган тегишли дарслик ва ўқув-услубий материаллар ҳам етарлича мавжуд. Президент академиясида назарий базадан ташқари, жуда катта амалий тажриба ҳам мавжуд. Академиянинг кўплаб ўқитувчилари давлат лавозимларида хизмат қилишган, нафақат жамият муаммоларини назарий жиҳатдан ҳал этиш, балки жойларда амалга ошириш бўйича амалий тажрибага эга.

<sup>23</sup> <https://www.ranepa.ru/>

## 2-БОБ.

# МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ БАҲОЛАШ

### 2.1. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ШАРҲИ:

ТАНЛАНМА, СЎРОВНОМА, МАҶЛУМОТЛАРНИ  
КИРИТИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТАФСИЛОТИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастури ва Европа Иттифоқининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш" қўшмалойиҳаси доирасидажорий йилнинг мартаида (02.03.2020 дан 30.03.2020 гача) Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналининг танланма сўрови ўтказилди.

Танланма сўровнинг мақсадлари: маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персонали фаолиятини баҳолашда КРІ тизимини жорий этиш; маҳаллий бошқарув органлари персонали малакасини оширишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш; маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида жамоатчилик иштирокига эҳтиёжни

**2.1.1-ЖАДВАЛ.** Респондентларнинг ёши (жинси ва ташкилот тури бўйича тақсимот)

Ташкилот тури	Ёши		Жами	Жинси		Жами
	эркак	аёл		эркак	аёл	
Вилоят ҳокимлиги	35,0	44,0	35,3	62	2	64
Туман/шаҳар ҳокимлиги	36,2	42,8	36,8	37	4	41
Вазирлик/идора вилоят бўлинмаси	34,2	35,8	34,5	95	20	115
Вазирлик/идора туман/шаҳар бўлинмаси	31,1	28,5	30,3	30	12	42
Вилоят ХДК	55,9	54,8	55,5	11	6	17
Туман/шаҳар ХДК	45,7	43,0	45,5	11	1	12
МФЙ	43,0	48,0	44,4	15	6	21
ЖТВБ	45,8		45,8	4	0	4
ЖТТШБ	35,0	29,5	32,8	3	2	5
Тадбиркорлик субъекти	39,2	37,3	38,9	18	4	22
ННТ	37,0	19,0	33,4	4	1	5
ОАВ ва блогерлар	42,7	32,0	41,1	6	1	7
Бошқа ташкилотлар ва эксперталар	37,9	38,7	38,1	72	24	96
<b>Жами</b>	<b>36,9</b>	<b>38,1</b>	<b>37,1</b>	<b>368</b>	<b>83</b>	<b>451</b>

баҳолаш; ва умуман, замонавий менежмент услубларини жорий этишга эҳтиёжни баҳолаш. Ушбу мақсадларни инобатга олган ҳолда лойиҳа жамоаси томонидан тегишли сўровнома ишлаб чиқилди (**1- илова**).

Ҳар бир ҳудуд учун режалаштирилган танланма ҳажми 130, олтита ҳудуд учун эса жами 780 кишига тенг эди (**2-илова**), лекин турли сабабларга кўра, амалда шакллантирилган танланма ҳажми 451 кишини ташкил этди. Бундан ташқари, сифатсиз тўлдирилган ва жавобларида мантиқий кетма-кетлик бузилган анкеталар маълумот базасига киритилмади.

Амалда жами 451 нафар респондент сўровда иштирок этди. Уларнинг ўртача ёши – 37,1 ни, улар орасида эркаклар сони – 368, аёллар сони – 83 кишини ташкил этди (**2.1.1-жадвал**).

Сўровда маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персонали вакиллари, ННТ раҳбарлари, депутатлар, тадбиркорлар, журналист ва блогерлар ҳамда мустақил эксперталар қатнашдилар.

Биз ушбу тадқиқот ишида олдимизга қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, асосан, маҳаллий бошқарув органлари персонали малакасини оширишга бўлган эҳтиёжни аниқлашга оид маълумотлардан фойдаландик.

Олинган маълумотлар Excel дастурида тузилган маълумотлар базасига киритилди ва сўнг IBM SPSS Statistics 23.0 дастури маълумотлар базасига ўтказилди.

## 2.2. МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

**Танланманинг тафсилоти.** Маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг билим ва кўникмаларини оширишга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш учун биз айнан маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персонали вакиллари танланмасини ажратиб олдик, чунки маҳаллий бошқарув органларида ишламаётган респондентлар ушбу ташкилотлардаги фаолиятнинг тартиб-таомилларини яхши билишмайди деб фараз қилдик. Ҳақиқатдан ҳам, масалан, тадбиркор ёки блогер туман ҳокимлиги раҳбарларида айнан қайси билим ва кўникмаларни ривожлантириш мумкинлигини қаердан билсин. Ҳокимлик фаолиятида раҳбарлар реал муаммоларга дуч келишади ва уларни ечишда маълум бир билим салоҳияти керак бўлади. Демак, айнан ҳокимлар ва ҳокимият ходимлари ўзларида қайси турдаги билим ва кўникмаларни ортириш кераклигини хаммадан кўра яхшироқ билишлари табиий.

*Жами олтита ҳудуд учун бизнинг танланма ҳажми 451 кишини ташкил этган бўлса, шундан маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персонали вакиллари сони жами 262 кишини, шу жумладан 224 эркак ва 38 аёлни ташкил қилди<sup>24</sup>.*

Фараз қиласига, биз фақатгина ҳокимликларни обьект сифатида қамраб олдик. У ҳолда бизга керак бўлган танланма бир неча баробарга камайиб кетади. Шунинг учун, биз ҳокимликлар ва вазирлик ҳамда идоралар маҳаллий бўлинмаларини айнан маъмурий-бошқарув персонал малакасини ошириш масаласи нуқтаи назаридан бир хил обьект деб фараз қилдик (бунинг учун, вазирлик ҳамда идоралар маҳаллий

<sup>24</sup> Бу эса қайсиdir маънода маҳаллий бошқарув органларида банд бўлган хизматчилар орасида гендер тенгсизлигидан далолатdir.

бўлинмалари ходимлари ва ҳокимлик ходимлари маҳаллий бошқарув мутахассислиги бўйича бир хил ўқув дастури асосида малака ошириш эҳтиёжига эга деб фараз қилиш кифоя). Яъни, биз 451 кишилик танланмадан айнан 262 кишилик танланмани ажратиб олдик, бунда, юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллий бошқарув органларида фаолият юритмаётган респондентлар ушбу органлардаги фаолият тартиб-таомилларини яхши билмаслиги фараз қилинди.

Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент шаҳрида турли сабабларга кўра вазирлик ёки идораларнинг туман (шаҳар) бўлинмаларидан респондентлар иштирок этишмади. Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрида эса туман (шаҳар) ҳокимлиги вакиллари сўровда қатнашмади. Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳрида амалда фақатгина 21 ва 22 нафар респондент маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персонали танланмасидан жой олди, бу эса, албатта, шу худудлар учун репрезентатив хulosалар чиқаришга етарли эмас (**2.2.1-жадвал**).


Бундан ташқари, таҳлилда вилоят (Тошкент шаҳар) ва туман (шаҳар) поғонасидаги маҳаллий бошқарув органи бир-биридан ажратилмади, яъни биз уларни бирдай маҳаллий бошқарув органи сифатида кўрдик, чунки айнан шундай қилсак, танланма ҳажмини оширишимиз ва репрезентативликка эришишимиз мумкин эди. Бундан ташқари олинган маълумотларни тасодифий деб фараз қилдик.

**Респондентларнинг маҳаллий бошқарув мутахассислиги бўйича малакаси.** Айтиш жоизки, маҳаллий бошқарув органлари респондентлари орасида давлат ёки маҳаллий бошқаруви курсларида малака оширган ёки Давлат бошқаруви ақадемиясида ёки унинг филиалида ўқиганлар сони камлиги аниқланди – 262 кишидан фақатгина 131 нафари, яъни ярми. Шу билан бирга, 116 киши ҳали бу соҳада умуман малака оширмаган ёки ўқимаганлигини маълум бўлди (**3-илова**). Бу натижка, маҳаллий бошқарув органларида давлат / маҳаллий / жамоат бошқаруви фанлари бўйича малака оширишга эҳтиёж ниҳоятда юқорилигидан далолат беради.

**2.2.1-ЖАДВАЛ.** Маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персонали танланмаси (респондентлар жинси, худудлар ва ташкилот турлари кесимида), киши

Худуд	Жинси	Вилоят ҳокимлиги	Туман/ шаҳар ҳокимлиги	Вазирлик/идора вилоят бошқармаси	Вазирлик/идора туман/ шаҳар бўлими	Жами
Сурхондарё вилояти	Эркак	21	6	22	0	49
	Аёл	0	2	4	0	6
Қашқадарё вилояти	Эркак	3	16	0	0	19
	Аёл	0	1	1	0	2
Сирдарё вилояти	Эркак	14	0	21	0	35
	Аёл	2	0	3	0	5
Жizzах вилояти	Эркак	18	9	16	7	50
	Аёл	0	1	3	0	4
Тошкент вилояти	Эркак	5	6	16	23	50
	Аёл	0	0	8	12	20
Тошкент шаҳри	Эркак	1	0	20	0	21
	Аёл	0	0	1	0	1
Жами	Эркак	62	37	95	30	224
	Аёл	2	4	20	12	38
<b>Жами</b>		<b>64</b>	<b>41</b>	<b>115</b>	<b>42</b>	<b>262</b>

**2.2.1-расм** Маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналининг бошқарув соҳасида малакаси оширилганлиги (жами ўрганилган ҳудудларда), жами 262 киши орасида



Таъкидлаш жоизки, ҳудудларда йилдан йилга давлат ёки маҳаллий бошқарув қисқа муддатли курсларида касбга ўқитиш ва малака ошириш кўлами ошиб бормоқда. Масалан, 2017 йилда фақатгина 10 киши курсларда қатнашган бўлса, 2019 йилга келиб бу сон 62 тага етди. 2020 йилнинг бир чорагида эса 33 киши курсларда қатнашди ва бу йилнинг охиригача бу сон 4 баробарга ошиши мумкин (**2.2.1-расм**). Бунга сабаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3901-сон қарорига мувофиқ 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиаллари ташкил этилиши бўлди.


Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, қисқа муддатли курсларда асосан вазирлик ёки идораларнинг вилоят (Тошкент шаҳар) бошқармалари қатнашганлиги маълум бўлади: 262 кишидан 115 киши (**3-илюва**).

Агар фақатгина маҳаллий ҳокимликларни кўрадиган бўлсак, вазият деярли бир хиллиги маълум бўлади: 105 нафар респондентдан деярли ярми, яъни 52 нафари давлат ёки маҳаллий бошқарув мутахассислиги бўйича малака оширган; 39 киши айнан 2017 йилда ва ундан сўнг малака оширишганлигини тасдиқлашиди (**2.2.2-расм**).

**2.2.2-расм** Маҳаллий ҳокимликлар маъмурий-бошқарув персоналининг бошқарув соҳасида малакаси оширилганлиги (ташкилот тури кесимида), жами 105 киши орасида



**2.2.3.-расм** Маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналининг ўқиганлиги ёки малакаси оширилганлигини таҳлил қилиш учун шакллантирилган танланма (худудлар кесимида), жами: 219 киши




Худудлар кесимидаги таҳлил деярли ўхшаш ҳолатни кўрсатди. Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти учун таҳлил амалга оширилмади, чунки ушбу ҳудудлар бўйича амалда фақатгина 21 ва 22 нафар респондент маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персонали танланмасига кирди. Бундай ҳолатда ушбу икки ҳудуд учун чиқарилган хуносалар репрезентатив бўлмайди. Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятини инобатга олмаганда, маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналининг бошқарув соҳасида ўқиганлиги ёки малакаси оширилганлигини таҳлил қилиш учун шакллантирилган танланма (худудлар кесимида) 219 кишини ташкил қилди (**2.2.3-расм**).

Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятини инобатга олмаганда, 2017 йилдан кейин маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналининг 219 нафар кишидан иборат жамоасидан 99 киши бошқарув соҳасида ўқиди ёки малакасини ошириди. Шундан энг катта қисми Тошкент вилоятига (32 киши) тўғри келди (**2.2.4-расм**).

**Касбга ўқиш ва малака оширишнинг лавозим ўсишига таъсири.** Таҳлил давомида жуда қизиқарли боғлиқлик аниқланди: касбга ўқиш ва малака ошириш лавозим ўсишига таъсир этар экан. Масалан, 2018 йилдан кейин давлат ва маҳаллий бошқарув мутахассислиги бўйича ўқиган ва малака оширган жами 107 нафар кишидан 61 нафарининг лавозими сўнги йил ичida кўтарилганлиги аниқланди. Бу боғлиқлик 2019 йилдан бошлаб янада кучайган: 95 нафар кишидан 57 нафарининг лавозими ошган. Яқинда, 2020 йилда ўқиган ва малака оширган 33 кишидан 24 нафарининг лавозими ошган (**2.2.2-жадвал**). Бу ҳолат – давлат ва маҳаллий бошқарув тизимидағи инсон ресурсларини бошқариш соҳасидаги ижобий тенденциялардан далолат беради.

**2.2.4.-расм** 2017 йилдан кейин маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналининг ўқиган ёки малакаси оширилганлиги (худудлар кесимида), жами: 99 киши



**2.2.2-жадвал.** Касбга ўқиши ва малака оширишнинг лавозим ўсишига таъсирни

		Савол: Лавозимингиз сўнгги 2 йил ичидаги ўсдими?				Жами	
		Ха	Йўқ	Жавоб беришга қийналаман			
Савол: Қачон малака оширидингиз ёки давлат бошқаруви академияси ёки унинг филиалида ўқидингиз?	Яқинда, 2020 йилда	киши	24	7	2	33	
		%	72,7	21,2	6,1	100	
2019 йилда		киши	33	24	5	62	
		%	53,2	38,7	8,1	100	
2018 йилда		киши	4	6	2	12	
		%	33,3	50,0	16,7	100	
2017 йилда		киши	3	6	1	10	
		%	30,0	60,0	10,0	100	
2017 йилдан олдин		киши	9	5	0	14	
		%	64,3	35,7	0,0	100	
Ҳали бу соҳада малака оширмадим ёки ўқимадим		киши	57	47	12	116	
		%	49,1	40,5	10,3	100	
Жавоб беришга қийналаман		киши	6	4	5	15	
		%	40,0	26,7	33,3	100	
<b>Жами</b>		<b>киши</b>	<b>136</b>	<b>99</b>	<b>27</b>	<b>262</b>	
		<b>%</b>	<b>51,9</b>	<b>37,8</b>	<b>10,3</b>	<b>100</b>	

Изоҳ: Пирсон хи-квадрат тестига кўра, хи-квадрат статистикаси 20,9 га ва р-қиймати 0,5 га тенг, яъни олинган натижалар 95% ишончлилик билан бош тўплам учун аҳамиятли.

**Маҳаллий бошқарув органларида билим ва кўникмаларни оширишга эҳтиёж.**

Кейинги босқичда ҳозирда маҳаллий бошқарув органларида қайси соҳада малака оширишга эҳтиёж мавжудлиги ва бу эҳтиёж қай даражада эканлиги ўрганилди. Ўқув фанларининг рўйхати шакллантирилганда иложи борича бир-бирини мазмунан такрорламайдиган ва бир-бирини тўлдирадиган фанлар танлаб олинди. Буни ўқув фанлари ёҳтиёжлари кўрсаткичлари орасидаги жуфтли чизиқли корреляциялар тасдиқлайди (**4-илова**). Барча олинган корреляция коэффициентлари бош тўплам учун 99% ишончлилик билан аҳамиятли эканлиги аниқланди. Демак, ўқув фанлари эҳтиёжлари кўрсаткичлари орасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас, яъни ҳар бир ўқув фани ўзига хос ўқув мақсадлари ва ўқув мазмунига эга эканлиги намоён бўлди. Бу эса жуда муҳим натижа, чунки ўқув фанларига бўлган эҳтиёж кўрсаткичлари бир-бирини ўрнини босиши мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, улар бир-бирини тўлдириши кўзда тутилади.

Маҳаллий бошқарув органларида билим ва кўникмаларни оширишга эҳтиёжни ўрганиш мақсадида респондентларга қуйидаги савол берилди: **“Вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун, Сизнинг фикрингизча қайси соҳа/фан бўйича малака оширишга эҳтиёж бор?** (ҳар бир соҳа /фанни янада чуқур ўрганиш жиҳатдан эҳтиёж даражасига кўра 0 дан 10 баллгacha баҳоланг; агар жавоб беришга қийналсангиз, катакни бўш қолдиринг)”.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатди, экспериментал ҳудудларнинг маҳаллий бошқарув органларида билим ва кўникмаларни оширишга **энг юқори эҳтиёж қуйидаги бешта фанлар кесимида тақсимланди (2.2.5-расм)**:

*“Маҳаллий давлат ташкилоти бошқаруви тизимида натижага қаратилган замонавий менежмент (тамойиллар, усуллар ва моделлар)” – 7,5 балл.*

*“Маҳаллий ҳудуд ривожланишини стратегик режалаштириш (иқтисодиёт ривожланиши, шу жумладан, шаҳарсозлик, бозор ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишини режалаштириш) ва уларда аҳоли иштирокини таъминлаш” – 7,5 балл.*

*“Ижтимоий соҳа (меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, санъат, ижтимоий инфратузилма) иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсат (камбағалликни камайтириши, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш ва бошқалар)” – 7,5 балл.*

*“Тармоқлар иқтисодиёти ва давлат тармоқ сиёсати” – 7,3 балл.*

*“Маҳаллий давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини (кадрларни) бошқариш” – 7,2 балл.*

#### **Маҳаллий ҳокимлик вакиллари эса қўйидаги фанларни ўрганишни устувор деб билишди (2.2.5-расм):**

*“Маҳаллий давлат ташкилоти бошқаруви тизимида натижага қаратилган замонавий менежмент (тамойиллар, усуллар ва моделлар)” – 7,7 балл.*

**2.2.5.-расм** 2017 йилдан кейин маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналининг ўқиган ёки малакаси оширилганлиги (ҳудудлар кесимида), жами: 99 киши



*“Тармоқлар иқтисодиёти ва давлат тармоқ сиёсати” – 7,7 балл.*

*“Маҳаллий ҳудуд ривожланишини стратегик режалаштириш (иқтисодиёт ривожланиши, шу жумладан, шаҳарсозлик, бозор ва ижтимоий инфратузилма обьектлари қурилишини режалаштириш) ва уларда аҳоли иштирокини таъминлаш” – 7,6 балл.*

*“Маҳаллий давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини (кадрларни) бошқариш” – 7,5 балл.*

Юқорида келтирилган фанлар бўйича малакани ошириш бўйича зарурат ҳозирги кундаги ҳокимликлар фаолиятидаги мақсад ва муаммоларидан келиб чиқмоқда. Масалан, ҳукумат томонидан қўйилаётган камбағалликни камайтириш, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш вазифаси бу жавобларда ўз аксини топди – айниқса, маҳаллий ҳокимликларга тегишли респондентлар “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсат” ўқув фанини энг юқори (8 балл) устуворлик билан ўрганишни ҳоҳлаётганлиги маълум бўлди.

Буни яна бир олинган натижка яққол тасдиқлайди: респондентларга “Нима деб ўйлайсиз, туман/шаҳар ҳокимлигининг фаолияти натижадорлигини баҳолашда қўйидаги қайси мақсадларни қамраб олиш керак? (ҳар бир соҳа аҳамиятлилиги даражасига кўра 0 балдан дан 10 баллгача баҳоланг)” саволи берилганда, улар “Ижтимоий соҳани ривожлантириш, камбағаллик ва ишсизликни камайтириш” мақсадни энг устувор деб билишди (8 балл), айниқса, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги вакиллари бу мақсадни энг устувор сифатида белгилашди (8,4 балл).

**Маҳаллий бошқарув органларида билим ва кўникмаларни оширишга мўлжалланган ўқув фанлари гуруҳларини шакллантириш: бош компонентлар таҳлили натижалари.** Бош компонентлар таҳлилини амалга ошириш учун, авваламбор,

**2.2.3-жадвал.** Маҳаллий ҳокимлик фаолияти натижадорлигини баҳолашда респондентлар томонидан баҳоланган мақсадларнинг устуворлиги даражаси, ўрта баҳо (0 дан 10 баллгача)

Ташкилот тури	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш	Ижтимоий соҳани ривожлантириш, камбағаллик ва ишсизликни камайтириш	Инновациялар ва инсон капиталини ривожлантириш орқали унумдорликни ошириш	Тадбиркорлик, инвестиция мухитини яхшилаш/хусусий түулк дা�хлсизлигини таъминлаш	Экологик мухитни яхшилаш
Вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги	7,9	8,4	7,6	8,4	6,9
Туман (шаҳар) ҳокимлиги	7,9	8,1	7,8	7,3	6,6
Вазирлик ёки идора вилоят бўлинмаси	7,8	8,1	7,4	8,0	7,0
Вазирлик ёки идора туман (шаҳар) бўлинмаси	6,5	6,8	5,7	6,8	5,9
<b>Жами</b>	<b>7,4</b>	<b>8,0</b>	<b>7,1</b>	<b>7,6</b>	<b>6,8</b>

танланманинг бош тўпламга мослиги ва ўлчамлар кесимида нормал тақсимланганлигини текшириб олиш керак. Кайзер-Майер-Олкин тести натижасида Кайзер-Майер-Олкин статистикаси 0,934 тенглиги, яъни критик қийматдан (0,5) дан юқорилиги аниқланди. Демак, танланма таҳлил талабларига жавоб беради. Барлетт тести натижасига кўра эса р-қиймати 0 га тенг, яъни 0,05 дан паст, яъни танланма кўп ўлчами нормал тақсимотга мос келади. Хуроса, мазкур танланмада бош компонентлар таҳлилини амалга ошириш мумкин ва бундай таҳлил амалга оширилди, яъни ўқув фанларига эҳтиёж устуворликлари ва бош компонентлар орасидаги корреляция даражалари аниқланди ва шунга қараб бош компонентларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинди (**2.2.4-жадвал**).

Бош компонентлар таҳлили натижасида маҳаллий бошқарув органларида раҳбарий билим ва кўникумаларни оширишга мўлжалланган қуйидаги ўқув фанлари гурухлари шакллантирилди:

**Маҳаллий давлат бошқаруви органи тизимида жараёнларни бошқаришга оид ўқув фанлари:**

- Маҳаллий давлат ташкилоти бошқаруви тизимида натижага қаратилган замонавий менежмент (биринчи компонент билан корреляция даражаси 0,674 га тенг);
- Маҳаллий давлат ташкилотларида молияни бошқариш (0,816);
- Маҳаллий давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини (кадрларни) бошқариш (0,733);
- Маҳаллий ҳудуд ривожланишини стратегик режалаштириш (ҳудудий стратегик менежмент жиҳатлари) (0,713);

**2.2.4-жадвал.** Бош компонентларнинг ўқув фанларига эҳтиёж билан корреляцияси

Ўқув фани	Бош компонент		
	1	2	3
Маҳаллий давлат ташкилоти бошқаруви тизимида натижага қаратилган замонавий менежмент (тамойиллар, усууллар ва моделлар)	0,674	0,317	0,334
Маҳаллий давлат ташкилотларида молияни бошқариш (жамоатчилик иштироки асосида)	0,816	0,188	0,325
Маҳаллий давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини (кадрларни) бошқариш	0,733	0,414	0,116
Маҳаллий ҳудуд ривожланишини стратегик режалаштириш	0,713	0,428	0,175
Лойиҳаларни бошқариш	0,522	0,599	0,210
Давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш	0,358	0,769	0,029
Вақт ва амалларни бошқариш	0,211	0,706	0,248
Ижтимоий соҳа иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсат	0,369	0,580	0,316
Тармоқлар иқтисодиёти ва давлат тармоқ сиёсати	0,201	0,695	0,395
Ташкилот ва бошқарув психологияси ҳамда лидерлик	0,175	0,393	0,793
Маҳаллий бошқарувда жамоатчилик иштироки ва назорати	0,519	0,110	0,707

Изоҳ: Компонентлар Кайзер нормализацияси орқали Варимакс усули ёрдамида ажратилди.

**Маҳаллий давлат бошқаруви органи тизимидан ташқари жараёнларни бошқаришга оид ўқув фанлари:**

- Давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириши (иккинчи компонент билан корреляция даражаси 0,769 га тенг);
- Вақт ва амалларни бошқариши (йўл хариталарини ишлаб чиқиш, тармоқли график тузиси ва ҳакозо.) (0,706);
- Ижтимоий соҳа иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсат (0,580);
- Тармоқлар иқтисодиёти ва давлат тармоқ сиёсати (0,695);
- Лойиҳаларни бошқариши (0,599);

**Маҳаллий давлат бошқаруви органи томонидан жамоа ва жамоатчилик билан ишлаш жараёнларини бошқаришга оид ўқув фанлари:**

- Ташкилот ва бошқарув психологияси ҳамда лидерлик (иккинчи компонент билан корреляция даражаси 0,793 га тенг);
- Маҳаллий бошқарувда жамоатчилик иштироки ва назорати (0,707).

Ажратиб олинган компонентлар касбга ўқитиш ва малакани оширишга умумий эҳтиёж вариациясининг 70,6%ини тушунтириб беради.

## 3-БОБ.

# МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ БЎЙИЧА БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎҚУВ РЕЖАСИ ВА ЎҚУВ- УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

### 3.1. МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ БЎЙИЧА БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЎҚУВ РЕЖАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мазкур таҳлилий ҳисботнинг иккинчи қисмида амалга оширилган таҳлил шуни кўрсатдики, экспериментал ҳудудлардаги маҳаллий бошқарув органларида маъмурий-бошқарув персонали билим ва кўникмаларини оширишга энг юқори эҳтиёж қўйидаги бешта фанлар бўйича тақсимланди: "Маҳаллий давлат ташкилоти бошқаруви тизимида натижага қаратилган замонавий менежмент (тамоиллар, усуллар ва моделлар)" – 7,5 балл, "Маҳаллий ҳудуд ривожланишини стратегик режалаштириш (иқтисодиёт ривожланиши, шу жумладан, шаҳарсозлик, бозор ва ижтимоий инфратузилма обьектлари қурилишини режалаштириш) ва уларда аҳоли иштирокини таъминлаш" – 7,5 балл, "Ижтимоий соҳа (меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, санъат, ижтимоий инфратузилма) иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсат (камбағалликни камайтириш, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш ва бошқалар)" – 7,5 балл, "Тармоқлар иқтисодиёти ва давлат тармоқ сиёсати" – 7,3 балл, "Маҳаллий давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини (кадрларни) бошқариш" – 7,2 балл.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, юқоридаги барча ўқув фанлари кўпроқ иқтисодий ва менежмент фанлариdir. Давлат ва маҳаллий бошқарув тизими учун кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг ўқув режаси иқтисодий ҳамда менежмент фанларига ёки юридик фанларга ёки иккаласининг синтезига асосланган бўлиши мумкин. Ўзбекистон шароити учун юридик фанлардан тўлиқ воз кечиш нотўғри бўлар эди. Шунинг учун, "Жойларда маъмурий процедуралар (тартиб-таомиллар) ва давлат хизматлари" фанини ҳам ўқув режага киритиш тавсия этилади<sup>25</sup>.

<sup>25</sup> Чунки ҳокиммилклар ўз фаолиятида бевосита маъмурий тартиб-таомилларга амал қилишлари талаб қилинади. Келажақдаги тадқиқотларимизда ушбу фанларга бўлган эҳтиёжларни ҳам чуқурроқ ўрганиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган ўқув фанлари номларини қисқароқ ва маҳаллий бошқарувга мослатиш масаласини ҳам ҳал этиш тавсия этилади. Масалан, “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти ва ижтимоий сиёсат” ўқув фани номини “Маҳаллий ижтимоий сиёсат” га ўзгартериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда маҳаллий бошқарув тизимида ишлаётган раҳбарларнинг билим ва кўникамларини ривожлантириш учун 72 соатлик қисқа муддатли (икки ҳафталик) тренинг ўтказиш тавсия этилади ва унинг ўқув режаси қўйидаги жадвалда кўрсатилган. Мазкур ўқув режа маҳаллий ҳокимликларнинг ҳозирги кундаги фаолиятидаги муҳим мақсад, вазифалари ва муаммоларидан келиб чиқсан ҳолда тузилди. Эътибор берадиган бўлсак, ўқув режада асосий урғу иқтисодий фанлар ва замонавий менежментга берилган ва юридик фанлардан фақатгина “Жойларда маъмурий процедуralар ва давлат хизматлари” учрайди. Бу ўқув режа давлат хизмати учун раҳбар кадрларни тайёрлашнинг кўпроқ “Иқтисодий самарадорлик ва бизнес-менежментга асосланган модели” га асосланган бўлиб, раҳбарлик қилаётган амалдорларни ўз амалиётига бизнес-менежментнинг замонавий усувларини жорий этишга йўналтиради.

“Замонавий маҳаллий бошқарув” мутахассислиги бўйича қисқа муддатли тренинг тингловчиларининг намунавий контингенти мазкур ҳисоботга илова қилинган (**5-илова**).

**3.1.1-жадвал.** “Замонавий маҳаллий бошқарув” мутахассислиги бўйича қисқа муддатли тренинг (тавсиявий) ўқув режаси

	Ўқув фаннинг номи	Жами, академик соатлар	Маъруза	Амалий машғулот	Ҳафталар кесимида соатлар тақсимоти	
					1-ҳафта	2-ҳафта
1	Маҳаллий ижтимоий сиёсат	8	4	4	4	4
2	Маҳаллий бошқарув органларида натижага қаратилган менежмент	8	4	4	4	4
3	Маҳаллий ривожланишни стратегик режалаштириш	8	4	4	4	4
4	Маҳаллий бошқарув органларида инсон ресурсларини бошқариш	8	4	4	4	4
5	Худудларда давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш	4	2	2	4	-
6	Маҳаллий бошқарув тизимида ташкилий хулқ ва маданият	4	2	2	-	4
7	Маҳаллий иқтисодий сиёсат	8	4	4	4	4
8	Маҳаллий молияни жамоатчилик иштироки асосида бошқариш	8	4	4	4	4
9	Маҳаллий лойиҳаларни бошқариш	8	4	4	4	4
10	Жойларда маъмурий процедуralар ва давлат хизматлари	8	4	4	4	4
	<b>Жами</b>	<b>72</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>36</b>

### 3.2. МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ БИЛИМ ВА КЎНИКМALARINI ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БҮЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Маҳаллий бошқарув органларида маъмурий-бошқарув персонали билим ва кўниkmalarini ошириш бўйича тренинглари ўқув-услубий базасини шакллантириш мақсадида қуйидаги 10 та ўқув фани бўйича ўқув услубий қўлланмаларни тайёrlашни тавсия этамиз:

- "Маҳаллий бошқарув органларида натижага қаратилган менежмент";
- "Маҳаллий ривожланишини стратегик режалаштириш";
- "Маҳаллий ижтимоий сиёсат";
- "Маҳаллий иқтисодий сиёсат";
- "Маҳаллий бошқарув органларида инсон ресурсларини бошқариш";
- "Маҳаллий бошқарув тизимида ташкилий хулқ ва маданият";
- "Маҳаллий бошқарувда жамоатчилик назорати";
- "Маҳаллий молияни бошқариш (жамоатчилик иштирокида)";
- "Маҳаллий лойиҳаларни бошқариш";
- "Жойларда маъмурий процедуралар ва давлат хизматлари".

Ўқув-услубий қўлланмаларни тайёrlашда илғор хорижий мамлакатларда муниципал бошқарувнинг турли жабхаларига (маҳаллий бошқарув соҳасида молия, кадрлар, лойиҳалар, уй-коммунал хўжалиги менежменти, стратегик режалаштириш ва ҳакозо) оид дарслик ва ўқув қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

**1. Маҳаллий бошқарув тизимида менежмент бўйича ўқув-услубий материалларни тайёrlашда қуйидаги дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади:**

1. Newell, C. (Ed.). (2004). *The effective local government manager* (3rd ed.). Washington, D.C.: ICMA Press. ISBN: 0873261437;
2. Stenberg, C. & Austin, S. (Eds.). (2007). *Managing local government services: A practical guide*. Washington, D.C.: ICMA Press. ISBN: 0873267095;
3. Powell, O. (2002). *City management: Keys to success*. Bloomington, IN: Authorhouse;
4. Peters, B. Guy. *Advanced Introduction to Public Policy*. Cheltenham, UK: Edward Elgar, 2015;
5. Spicer, Zachary, Joseph Lyons, and Kate Graham. 2019. *Local Government in Practice: Cases in Governance, Planning and Policy*, PA 9901 Custom Edition. Toronto: Emond.

**2. Маҳаллий бошқарув тизимида молия менежменти бўйича ўқув-услубий материалларни тайёrlашда қуйидаги дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади:**

1. Graham, Andrew. *Canadian Public Sector Financial Management*, 2nd Edition. (Kingston, Canada, Queen's University, School of Policy Studies, 2014);

2. Robert L. Bland, *A Budgeting Guide for Local Government. 3 rd edition Washington, D.C.: International City/County Management Association, 2013;*
3. Yescombe, E.R. 2014. *Principles of Project Finance.* 2nd ed. MA: Elsevier.
4. Ronald C. Fisher. *State and Local Public Finance,* fourth edition, Oxford: Routledge, 2016;
5. Ronald C. Fisher. *Instructor's Manual to accompany State and Local Public Finance,* Chicago: Irwin, Inc., 1996.

**3. Маҳаллий бошқарув тизимида давлат-хусусий шерикчилиги асосида лойиҳаларни бошқариш бўйича ўқув-услубий материалларни тайёрлашда қуидаги дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади:**

1. Grimsey, Darrin and Mervin K. Lewis. 2007. *Public-Private Partnership: The Worldwide Revolution in Infrastructure Provision and Project Financer.* Cheltnham, UK: Edward Elgar Publishing Limited;
2. Chan, Albert P. C. and Esther Cheung. 2013. *Public Private Partnerships in International Construction: Learning from Case Studies.* New York: Routledge;
3. Delmon, Jeffrey. 2011. *Public-Private Partnership Projects in Infrastructure: An Essential Guide for Policy Makers.* New York: Cambridge University Press;
4. Schwartz, Gerd, Ana Corbacho, and Katja Funke, eds. 2008. *Public Investment and Public Private Partnerships: Addressing Infrastructure Challenges and Managing Fiscal Risks.* New York: Palgrave Macmillan;
5. Yescombe, E.R. 2007. *Public-Private Partnerships: Principles of Policy and Finance.* Burlington and Oxford: Butterworth-Heinemann;
6. United States Department of Transportation, Federal Highway Administration. *User guidebook on implementing public-private partnerships for transportation infrastructure projects in the United States.* 2007. Report, Washington, D.C.: Office of Policy and Governmental Affairs ([http://www.fhwa.dot.gov/ipd/pdfs/ppp\\_user\\_guidebook\\_final\\_7-7-07.pdf](http://www.fhwa.dot.gov/ipd/pdfs/ppp_user_guidebook_final_7-7-07.pdf)).

**4. Маҳаллий бошқарув тизимида ташкилий хулқни бошқариш ва лидерлик бўйича ўқув-услубий материалларни тайёрлашда қуидаги дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади:**

1. Albert J. Mills et al., *Organizational Behaviour in a Global Context,* Peterborough, Ontario: Broadview Press, 2007;
2. Siegel, David. 2015. *Leaders in the Shadows: The Leadership Qualities of Municipal Chief Administrative Officers.* Toronto: UTP.

**5. Маҳаллий бошқарув тизимида стратегик режалаштириш ва ҳудудни иқтисодий ривожлантириш бўйича ўқув-услубий материалларни тайёрлашда қуидаги дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади:**

1. Bryson, J. M. (2011). *Strategic Planning for Public and Non Profit Organizations: A Guide to Strengthening and Sustaining Organizational Achievement.* Fourth Edition. San Francisco: Jossey-Bass;

2. *Stimson, Stough and Roberts, Regional Economic Development: Analysis and Planning.* Springer, 2006.

**6. Давлат маъмурчилиги назарияларининг танқидий шарҳлари, ҳудудий иқтисодий назария ва маҳаллий бошқарув натижадорлигининг замонавий ёндашувлари ҳақидаги маълумотларни қуидаги мақолалардан олса бўлади:**

1. *Dahl, Robert.* 1947. "The Science of Public Administration: Three Problems." *Public Administration Review* 7 (1): 1-11;

2. *Kaufman, Herbert.* 1956. "Emerging Conflicts in the Doctrines of Public Administration." *American Political Science Review* 50 (4): 1057-1073;

3. *Ostrom, Vincent.* 1971. "Public Choice: A Different Approach to the Study of Public Administration." *Public Administration Review* 31 (2): 203-216;

4. *Nishizawa, Toshiro.* 2011. «Changes in Development Finance in Asia: Trends, Challenges, and Policy Implications.» *Asian Economic Policy Review. Volume 6, Issue 2 (December)*;

5. *Michael Porter,* "Location, competition, and economic development: Local clusters in the global economy," *Economic Development Quarterly*, Vol. 14, No. 1 (February 2000): 15-34. See the articles in this issue for more on clusters;

6. *Edward W. Hill and John F. Brennan,* "A Methodology for Identifying the Drivers of Industrial Clusters: The Foundation of Regional Competitive Advantage," *Economic Development Quarterly*, 14(1), pp. 65-96;

7. *Batelle and Mass Insight, Choosing to Lead: The Race for National R&D Leadership and New Economy Jobs*, pp. 30-41;

8. *Stephen M. Wheeler,* "The New Regionalism: Key Characteristics of an Emerging Movement," *Journal of the American Planning Association* 68, no. 3 (Summer 2002): 267-278;

9. *Robert A. Beauregard,* "The Employment Fulcrum: Evaluation Local Economic Performance," *EDQ* 13, no. 1 (February 1999): 8-14;

10. *Terry F. Buss and Laura C. Yancer,* "Cost-Benefit Analysis: A Normative Perspective," *EDQ* 13, no. 1 (February 1999): 29-37.

Таъкидлаш жоизки, ўқув-услубий қўлланма дарслик эмас ва дарслиқдан анчагина фарқланади. Дарслик универсал характерга эга бўлади, ундаги ўқув материал кўпроқ назарий-методологик характерга эга. Бутун жаҳонда саноқли оммабоп ва танилган дарсликлар бор. Лекин ўқув-услубий қўлланма ўзининг амалиётга қаратилганлиги, ихчамлиги билан ажralиб туради.

**3.2.1-МАЪЛУМОТНОМА (ҚЎЛЛАНМА УЧУН ШАБЛОН/ТАВСИЯ).** Ҳар бир маъруза матнининг асосий қисми (бундан маърузага илова қилинадиган саволлар, тест ва кейслар истисно) Times New Roman, 13-шрифт, 1 интервал, юқори, паст ва ўнгдан 1,5 ва чапдан 2 га тенг узоқликда бўлиши ва 5-6 бетдан ошмаслиги лозим. Маъруза бошида маъруза режаси ва таянч сўзлар келтирилиши керак. Маъруза сўнгига камида 5 та савол (алоҳида жавоблари билан), 5 та тест (алоҳида ечимлари билан) ва 1 та кейс (реал ҳаётдан олинган муаммоли вазият, 2 та саволи ва жавоблари билан) келтирилиши лозим.

Ҳар бир маъруза презентацияси 10-12 та слайддан ошмаслиги лозим. Презентация бошида маъруза режаси келтирилиши керак. Презентация слайдларида майда шрифтда зич жойлашган матн қисмлари бўлмаслиги лозим.

Ҳар бир амалий машғулот тегишли презентацияси слайдлари ёки бошқа турдаги тарқатма материаллар билан ўтказилиши лозим. Амалий машғулот кейс муҳокамаси, ўйин шаклида ёки давра сұхбати кўринишида ўтиши мумкин.

Ўқув-услубий қўлланма тайёрланганда саволлар жавоблари, тест ва кейслар ечимлари қўлланманинг сўнггида илова кўринишида берилиши лозим. Ўқув-услубий қўлланма матни 100 бетдан ошмаслиги тавсия этилади.

Ўқув фани бўйича ўқув-услубий қўлланмани ихчам, тушунарли, иллюстрация ва амалий вазият таҳлилларига бой қилиб тайёрлаш тавсия этилади. Ўқув материаллар (ўқув модул папкаси) ўз ичида дарслик (илғор чет эл мамлакатларида универсал дарслик сифатида қўлланиладиган дарслик назарда тутилган), ўқув-услубий қўлланмани, маъruzалар матнлари ва презентациялари, амалий машғулотлар презентациялари, намунавий саволлар, кейслар ва тестларни (ечим ва жавоблари билан) қамраб олиши лозим (**3.2.1-маълумотнома**).

Ушбу тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, яратилиши кўзда тутилаётган қўлланмаларда кейслар ва амалий мисолларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастури ва Европа Иттифоқининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудлари давлат хизматларини тақдим этишни тақомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш” қўшма лойиҳасининг ҳамкор ҳудудлари Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти ҳокимликлари фаолиятидан олиниши тавсия этилади.

# ХУЛОСА

Ушбу таҳлилий ҳисоботда биз маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг замонавий маҳаллий бошқарув бўйича билим ва кўнікмаларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини баҳолаш ва шундан келиб чиқсан ҳолда замонавий маҳаллий бошқарув бўйича қисқа муддатли тренинг ўқув режаси ва ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар (хусусан, ўқув режалар ва ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар) ишлаб чиқиши мақсад қилиб олгандик.

Замонавий маҳаллий бошқарув соҳаси учун бошқарув кадрларини таёrlашда илғор хорижий мамлакатлар, асосан, иккита моделга таянади - "юридик таълимотга асосланган модел" ва "иқтисодий самарадорлик ва бизнес-менежментга асосланган модел". Биринчи модел доирасида давлат бошқаруви тизимидағи менежмент кўпроқ қонун ва қоидаларга мутлақ риоя қилиш, ваколатлар доирасидан чиқмай қарорларни қабул қилишга асосланади. Бундай модел асосида, масалан, Германия ва Францияда марказлашган ҳолда маҳсус олий ўқув юрти ва унинг филиалларида ягона ўқув режалари ва дастурлари асосида бошқарув кадрлари тайёрланади. Иккинчи моделга кўра, давлат маъмури, керак бўлса, ўз амалиётида хусусий секторда қўлланиладиган замонавий бизнес усулларидан (масалан, аутсорсинг, краудсорсинг, давлат-хусусий шерикчилик каби шаклларга асосланган усуллар, натижага қаратилган менежмент усуллари) фойдаланади ва қонунчилик бунга рухсат беради.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг давлат бошқаруви учун кадрларни тайёрлашда биринчи модел 2016 йилгача қўлланилиб келди. Иккинчи модел элементлари эса 2016 йилдан бошлаб илмий ҳамжамият ва кенг омма ичидаги муҳокама қилина бошланди ва 2017 йилдан бошлаб унинг айрим элементлари (давлат бошқаруви тизимида менежмент, давлат-хусусий шерикчилиги ва ҳакозо) ДБА ўқув режасига жорий этилди.

Ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимликлардан ташаббускорлик, натижавийлик, халқ ва жамоатчилик манфаатларини эътиборга олиш ва креатив ечимлар талаб қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳаллий бошқарув тизимида ишлаётган раҳбарларининг менежмент соҳасидаги малакасини тубдан ошириш, керак бўлса, амалиётда улар томонидан бизнес-менежмент усулларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридан давлат хизматлари агентлиги, БМТ Тараққиёт Дастири ва Европа Иттифоқининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишини такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида жорий йилнинг март ойида (02.03.2020 дан 30.03.2020 гача) Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида маҳаллий бошқарув органлари маъмурий-бошқарув персоналиниң танланма сўрови ўтказилди.

451 кишилик танланмадан айнан 262 кишилик танланма (маҳаллий бошқарув тизимида ишлаётган маъмурий-бошқарув персонали) ажратиб олинди. Агар танланма-

га эътибор берадиган бўлсак, маҳаллий бошқарув органларида фаолият юритаётган маъмурий-бошқарув персоналида гендер тенгсизлиги яққол кўзга ташланади: 262 респондент орасида аёллар сони фақатгина 38 нафарни ташкил қилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, маҳаллий бошқарув органлари респондентлари орасида давлат/маҳаллий/жамоат бошқаруви курсларида малака оширган ёки Давлат бошқаруви академиясида ёки унинг филиалида ўқиганлар сони 262 кишидан 131 нафарни, яъни ярмини ташкил этиши аниқланди. 116 киши ҳали бу соҳада малака оширган ёки ўқимаганлигини маълум қилди. Бу натижа маҳаллий бошқарув органларида давлат ва маҳаллий бошқаруви фанлари бўйича малака оширишга эҳтиёж ниҳоятда юқорилигидан далолат беради.

Бундан ташқари, экспериментал ҳудудларнинг маҳаллий бошқарув органларида билим ва кўникмаларини оширишга энг юқори эҳтиёж қўйидаги бешта фанлар кесимида тақсимланди:

“Маҳаллий давлат ташкилоти бошқаруви тизимида натижага қаратилган замонавий менежмент (тамойиллар, усуllар ва моделлар)” – 7,5 балл.

“Маҳаллий ҳудуд ривожланишини стратегик режалаштириш (иқтисодиёт ривожланиши, шу жумладан, шаҳарсозлик, бозор ва ижтимоий инфратузилма обьектлари қурилишини режалаштириш) ва уларда аҳоли иштирокини таъминлаш” – 7,5 балл.

“Ижтимоий соҳа (мехнат, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, санъат, ижтимоий инфратузилма) иқтисодиёти ва ижтимоий сиёsat (камбағалликни камайтириш, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш ва бошқалар)” – 7,5 балл.

“Тармоқлар иқтисодиёти ва давлат тармоқ сиёsatи” – 7,3 балл.

“Маҳаллий давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини (кадрларни) бошқариш” – 7,2 балл.

Юқоридаги натижалардан келиб чиқиб:

- маҳаллий бошқарув тизимида ишлаётган раҳбарларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш учун 72-соатлик қисқа муддатли (икки ҳафталик) тренинг ўқув рејаси ишлаб чиқилди.
- маҳаллий бошқарув соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тренинги тингловчилар контингенти (вилоят кесимида) ҳамда
- маҳаллий бошқарув соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тренингида фойдаланиладиган ўқув-услубий материалларни тайёрлаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилди (мазкур ҳисоботнинг З-қисмида келтирилган).

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3901-сонли "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори.
4. Borzel, T. (1998). Organizing Babylon - On the different conceptions of policy networks. *Public Administration*, 76(2), 253-273; O'Toole, L. J. (1997). Treating Networks Seriously: Practical and Research-Based Agendas in Public Administration. *Public Administration Review*, (1), 45.
5. Dunsire, A. (1995). Administrative theory in the 1980s: a viewpoint. *Public Administration*, 73, 17–40.
6. Dunleavy, P., Hood, C. (1994). From Old Public Administration to New Public Management. *Public Money & Management*, 14(3), 9-16.
7. Denhardt, R.B., Denhardt, J. (2000). The New Public Service: Serving Rather Than Steering. *Public Administration Review*, (6), 549.
8. Eikenberry, A. M., Drapal Kluver, J. (2004). The Marketization of the Nonprofit Sector: Civil Society at Risk? *Public Administration Review*, 64(2), 132-140.
9. European Governance. A White Paper. Commission of the European Communities, 2001.
- 10.Goldfinch, S., & Wallis, J. (2010). Two Myths of Convergence in Public Management Reform. *Public Administration*, 88(4), 1099-1115.
- 11.IMF. The IMF's Approach to Promoting Good Governance and Combating Corruption – A Guide, 2005.
- 12.Kaufmann, Daniel, Kraay, Aart and Mastruzzi, Massimo, The Worldwide Governance Indicators: Methodology and Analytical Issues (September 2010). World Bank Policy Research Working Paper No. 5430.
- 13.Lowndes, V., & Skelcher, C. (1998). The dynamics of multi-organizational partnerships: An analysis of changing modes of governance. *Public Administration*, 76(2), 313-333.

- 14.Osborne, D. E., Gaebler, T. Reinventing government: how the entrepreneurial spirit is transforming the public sector. MA: Addison-Wesley, 1992.
- 15.OECD. Governance in transition: public management reforms in OECD countries. Paris: OECD, 1995.
- 16.Sabatier P.A. (1998): The advocacy coalition framework: revisions and relevance for Europe, Journal of European Public Policy, 5:1, 98-130
17. Stoker, G. (2006). Public value management - A new narrative for networked governance?. American Review of Public Administration, 36(1), 41-57.
- 18.UNDP, Governance for Sustainable Human Development. New York : UNDP, 1997.
